**Ш А Р Т Н О М А № 23**
**(лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш бўйича)**

"24" июн 2022 г Ташкент

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи **"QURILISH MOLIYA SERVIS"** хусусий корхонаси (кейинги ўринларда *"Бажарувчи"* деб аталади) номидан директор **Қ.Р.Ташбалтаев** биринчи томон ва иккинчи томон-Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги хамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи **Зерафшанское управление магистральных систем** *"Буюртмачи"* деб аталувчи номидан А Кармкулов (келгусида "Буюрмачи" деб аталади) ўрталарида куйидаги максадларда тузилди.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. "Бажарувчи" "Буюртмачи" га куйидаги хизматларни курсатади: **«Даргом канали 633+40 Гидро иншоатда автоматлаштириш лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш»**.

1.2. Мазкур шартноманинг умумий киймати барча соликлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда 2022 йил 22 июнь харид комиссиясининг 105198-сонли баёнига асосан **12 500 040 (Ўн икки миллион беш юз минг кирк)** сўмни, шу жумладан ҚҚС 15% - 1 630 440 сўмни ташкил килади.

| Хизмат тури | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нархи | Суммаси ҚҚС билан |
|---|---|---|---|---|
| **Даргом канали 633+40 Гидро иншоатда автоматлаштириш лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш** | Сўм | 1 | 10 869 600 | 12 500 040 |
| **Жами:** | **Сўм** | | **10 869 600** | **12 500 040** |

## 2. ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

2.1. Кўрсатилган хизматлар учун келишилган нархда хисоб-китоб килинади.

2.2."Бажарувчи" хизмат кўрсатгандан сўнг, ўзаро солиштирув далолатномаларига асосан, кўрсатилган хизмат киймати учун "Буюртмачи" пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади. "Буюртмачи" олдиндан 30% микдорида аванс тўловини амалга оширади хамда тўлик хисоб-китобни 30 кун ичида амалга оширади.

2.3. Хизматлар учун нарх ўзаро келишилган холда белгиланади.

## 3. ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ТАРТИБИ.

3.1. "Бажарувчи" хизматларни "Буюртмачи" томонидан олдиндан тўлов амалга оширилганидан сўнг 5 кун муддат ичида хизматлар кўрсатилади.

3.2. "Бажарувчи" шартномада кўрсатилган хизмат шартларни белгиланган муддатларда хизмат кўрсатишни ўз зиммасига олади.

## 4. ТОМОНЛАРНИ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. "Буюрмачи" бажарилган иш хажмига асосан тўловни 30 кун муддат ичида амалга оширилади.

4.2. Кечиктирилган хар бир кун учун 0.05% микдорида пеня тулайди.

4.3. "Бажарувчи" "Буюртмачи" томонидан пул ўтказиб берилган кундан бошлаб 5 кун муддат ичида иш бажарилмаса, хар бир кечиктирилган кун учун 0,05% микдорида пеня тўлайди.

4.4. Тарафлар пеня микдорини асосий карзининг 50% дан ошмаган холда амалга оширадилар.

4.5. Тарафларнинг Ушбу шартномада кўзда тутилмаган бошка моддий жавобгарлигини Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юрутувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўгрисида"ги конуни билан тартибга солинади.

## 5. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

5.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавкулотда тусдаги холатларга: сув тошкини, ёнғин, ер кимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий харакатлар, давлат органларининг актлари ёки харакатлари ва тарафлар назорат кила олмайдиган бошқа хар кандай холатлар тегишлидир.
5.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.
5.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 ой давомида узлуксиз равишда давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш ёки қўшимча ижро муддатларини белгилашлари мумкин.

## 6. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

6.1. Шартнома икки томонлама имзолангандан сўнг қонуний кучга киради. Шартнома муддати томонлар уз мажбуриятларини тулик бажарган холатда тугалланади.
6.2. “Бажарувчи” томонидан кўрсатилган хизматлар “Буюртмачи” томонидан сифатсиз деб топилганда ва “Бажарувчи” томонидан мазкур шарноманинг 4.1, 4.3. бандлари бажарилмаганда шартнома “Буюртмачи” “Бажарувчи”га ёзма равишда, асосларни келтирган ҳолда хат билан маълум килади.

## 7. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

7.1. Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал килинади. Ўзаро хал килинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан Хўжалик судлари орқали хал килинади.
7.2. Шартнома икки нусхадан тузилиб, хар бир нусхаси тенг юридик кучга эга бўлиб томонларда бир нусхадан сақланади.
7.3. Шартномага барча ўзгартиришлар икки томонлама келишилган ва шартномага қўшимча битим имзоланган ҳолда қонуний деб ҳисобланади.
7.4. Шартнома Ғазначилик бошқармаси (бўлими) дан рўйҳатдан ўтгандан сўнг кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

## 8. ТОМОНЛАРНИ ХУҚУҚИЙ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

| Буюртмачи | Бажарувчи |
|---|---|
| ------------------------------ | «QURILISH MOLIYA SERVIS» ХК |
| ------------------------------ | Кувасой ш., У.Носир к-си 14. |
| ------------------------------ | х/р: 20208000904667314001 |
| ------------------------------ | АТБ «Ҳамкорбанк» Кувасой ш. |
| | МФО: 01003 СТИР: 206935994 |
| | ХХТУТ: 66000 ОКЭД: 71110 |
| | Тел: + 998 73 244-16-98 |
| | Директор ____________ Қ.Р.Ташбалтаев |

Хукукий хулоса

Ушбу шартнома УзР Фукаролик кодекси, «Хужалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги конуни талабларига мувофик булиб, шартнома тузилиши ва имзоланиши мумкин.

«24» 06 2022й. Юрист: ________ Солатов Х